

**КАСБ ВА ИНСОН ШАХСИ (КАСБИЙ ДЕФОРМАЦИЯ  
МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА)**

**Р.Г.Муллахметов**

*Тошкент шаҳридаги Беларус-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро  
амалий техник квалификациялар институти (СБУМИПТК)*

E-mail адрес: radik.uz@mail.ru

Инсон шахси ва касбий фаолияти ўртасидаги муносабат ҳақида замонавий психологияда икки хил қараш шаклланган. Айрим тадқиқотчилар (Ф.Парсонс, С.Крайтс ва б.) касбнинг инсон шахсига таъсир кўрсатиши мумкинлигини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, инсоннинг муайян касбни танлаб, уни ўзлаштириб, шу касб доирасида фаолият юритиши унинг шахсига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Бироқ кўпчилик бошқа муаллифлар (В.Д.Шадриков, К.А.Абульханова-Славская, Е.А.Климов ва б.) инсон маълум касб эгаси сифатида шаклланиши давомида унинг шахси касбий фаолият таъсири остида бўлишини тан оладилар [4;415-416].

Касбий фаолиятнинг инсон шахсига таъсир кўрсатиши психологияда «касбий деформация» деб юритилади. Мазкур тушунча касбий фаолият туфайли инсон организми ва психикасида мунтазам рўй берадиган ҳар қандай ўзгаришни англатади (масалан, кон ишчиларида силикоз касаллигининг ривожланиши, меҳмонхона швейцарларида мулозаматгўйлик сифатининг ҳаддан ташқари кучайиб кетиши) [1;634], [4;422]. Касбий деформация инсон психик ҳаётининг барча томонлари – мотивация соҳасига, когнитив ва эмоционал жараёнларга, шахс сифатларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Экспериментал тадқиқотларда [3],[5] касбий деформация туфайли турли касб эгаларида ўзига хос установкалар ва тасаввурларнинг вужудга келиши, муайян шахс хусусиятларининг шаклланиши исботланган. Қуйида биз инсон психик ҳаётининг турли соҳаларида касбий деформация сабабли рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. Мотивация соҳасидаги деформация муайян касбий фаолият соҳасига ўта қизиқиб кетиш ва бошқа соҳаларга бўлган қизиқишнинг йўқолишида намоён бўлиши мумкин [4;423]. Бунда одам ўз вақтининг катта қисмини иш жойида ўтказди, фақат иш ҳақида гапириш ва ўйлашга одатланиб қолади, ҳаётнинг бошқа соҳаларига қизикмай қўяди. Мазкур ўзгаришлар айрим ўринларда касбий фаолият соҳасида янада юқорироқ натижаларга эришиш истаги билан бојлиқ бўлса, баъзида улар ҳаётнинг

## СЕКЦИЯ 1. Актуальные проблемы информационных технологий и автоматизации

---

бошқа жабҳаларида учрайдиган муаммо ва қийинчиликлардан қочиш, беркиниш истагини акс эттириши мумкин.

2. Когнитив жараёнлардаги ўзгаришлар кўп ҳолатларда касбий стереотиплар ва установкаларнинг шаклланишида намоён бўлади [4;423]. Касбий стереотиплар сабабли мутахассис айти дамба эгаллаб турган билимлари ва тасаввурлари касбий фаолият билан шуғулланиш учун батамом етарли деб ҳисоблай бошлайди. Касбий установкалар меҳнат фаолияти давомида турли воқеа-ҳодисаларни, инсонларнинг хатти-ҳаракатларини муайян тарзда идрок этишга мойил бўлишда ифодаланади. А.Ю.Панасюк томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, касбий деформация сабабли аста-секин терговчиларда тергов қилинаётган, аммо айбдорлиги ҳали исботланмаган одамларни айбдор, деб ҳисоблашга мойиллик шаклланиб борар экан [5]. В.Е.Орел ўтказган тажрибалар касбий стереотиплар туфайли тиббий психология соҳаси бўйича фаолият олиб боришга тайёрланаётган шифокорларда айнан шу фаолиятга тайёрланаётган психологларга нисбатан касбий адаптация жараёни қийинроқ кечишини кўрсатиб берди [3].

3. Эмоционал соҳадаги касбий деформация асосан эмоционал толиқишда ўз аксини топади. Бундай толиқиш касбий фаолият мазмуни одамлар билан доимий эмоционал алоқада бўлишни, уларга ёрдам, ҳамхўрлик, ҳамдардлик кўрсатишни тақозо этадиган мутахассислар (шифокорлар ва ҳамширалар, ўқитувчи ва тарбиячилар, психолог ва психотерапевтлар,) орасида кўп учрайдиган ҳодисадир [2;637]. Эмоциялар соҳасидаги толиқиш инсонга эмоционал кучлари тугаб бораётгандай туюлишида, унда иложсизлик ҳиссининг кучайиб кетишида, унинг кескин эмоционал реакцияларга мойил бўлиб қолиши ёки, аксинча, тегишли вазиятларга нисбатан эмоционал жавоб беришга қодир бўлмай қолишида ифодаланади.

Эмоционал толиқиш оқибатида инсон ўзини мутахассис сифатида нўноқ, деб ҳисоблай бошлайди, ўз имкониятларига ишонмай қолади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, касбий фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги деформация билан депрессия ўртасида сезиларли алоқадорлик мавжуд эмас. Аммо эмоционал толиқиш билан боғлиқ касбий деформация ва депрессия ўртасида мустаҳкам корреляцион алоқадорлик кузатилади [3].

Шунингдек, тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, меҳнат фаолиятини тўхтатиб туриш эмоционал толиқиш даражасини вақтинча сусайтириши мумкин, лекин кейинчалик толиқиш даражаси тўла-тўқис тикланади [4;426]. Эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, эмоционал толиқиш сабабли инсонда нафақат ўзига ва касбига, балки касбий

## СЕКЦИЯ 1. Актуальные проблемы информационных технологий и автоматизации

фаолиятида объект сифатида гавдаланадиган одамларга нисбатан ҳам салбий установкалар шаклланиши мумкин. Натижада мутахассиснинг одамлар билан бўлган муносабатида ҳиссизлик ва совуққонлик устун бўлиб қолади. Муносабатлар мутахассисда тажангликни, маълум вақтгача яшириб туриладиган салбий муносабатни юзага келтиради, кейинчалик жаҳл кўринишидаги реакциялар, ҳатто, агрессив хулқ-атворни келтириб чиқаради.

Хориж психологларининг тадқиқотларидан маълум бўлишича, эмоционал зўриқишни камайтириш учун одам ўзи англамаган ҳолда фаолияти давомида эмоционал алоқаларни четлаб ўтишга, кўпроқ расмий тартиблар асосида иш олиб боришга интила бошлайди [1;638].

4. Шахс хусусиятлари соҳасидаги касбий деформация меҳнат фаолиятининг таъсирида айрим индивидуал-психологик сифатларнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетиши ва шахсий ҳаётнинг барча жабҳаларида ифодалана бошлашида кўринади [4;424-425]. Хусусан, тадқиқотларда қайд этилишича, касбий фаолият хусусиятлари билан боғлиқ равишда ўқитувчиларда дидактик оҳангда гапириш, доим ниманидир уқтиришга интилиш сифатлари шаклланиб, нафақат бевосита фаолият давомида, балки кундалик турмушда ҳам яққол кўзга ташланади.

Терговчилар ўз касбий фаолиятида доимий равишда ёлғон, айёрлик ва кўз бўямачилик ҳолатларига дуч келиши туфайли уларда танқидчанлик ва хушёрлик сифатлари ҳаддан ташқари кучайиб кетади. Мазкур хусусиятларнинг кейинчалик янада кучайиши мутахассисда ҳаддан ташқари шубҳаланувчанлик хусусиятининг пайдо бўлишига, унинг ҳар қайси одамдан гумонсирашга одатланиб қолишига олиб келиши мумкин [4;424].

Муайян шахс сифатларининг деформацияланиши баъзида инсонда бошқа айрим хусусиятларнинг шаклланиши билан компенсацияланиши мумкин. Масалан, В.Е.Орел тадқиқотларидан маълум бўлишича, ахлоқни тузатиш муассасаларининг ходимларида хулқ-атвор ва билиш фаолиятининг ригидлиги, қизиқиш ва мулоқот доирасининг торайиши кузатилади. Айни вақтда бу ходимларда саранжомлик, пунктуаллик каби сифатлар даражаси анча кучайиб кетади [4;425].

Демак, касбий фаолият инсон шахсига таъсир кўрсатиши, маълум шахс сифатларини шакллантириши, айрим хусусиятларни сусайтириши мумкин экан. Касбий деформация одам томонидан англамагани сабабли унга қарши курашиш анча қийин. Шу сабабли ёшларни касб-хунарга йўналтиришда, биринчидан, уларда ўз имкониятларига, устун томонлари ва камчиликларига нисбатан объектив муносабатда бўлиш қобилиятини

## СЕКЦИЯ 1. Актуальные проблемы информационных технологий и автоматизации

шакллантириш, иккинчидан, уларга ҳар бир касбнинг нафақат мазмуни ва талаблари, балки шу касб доирасида учрайдиган психологик муаммолар ҳақида ҳам ахборот бериш лозим. Бир сўз билан айтганда, касбий деформация профилактикаси ёшларни касб-хунарга йўналтириш ишининг ажралмас қисмига айлантирилиши керак.

### Фойдаланган адабиётлар

1.Безносков С.П. Личностные деформации профессионала// Психология:Учебник/В.М.Аллахвердов, С.И.Богданова и др.; Отв. ред. А.А. Крылов. – 2-е изд.,перераб. и доп. – М.:ТК Вел- би, Изд-во Проспект, 2004. - С.633-636.

2.Гришина Н.В. Профессиональное «выгорание» личности // Психология:Учебник/В.М.Аллахвердов, С.И.Богданова и др.; Отв. ред. А.А. Крылов. – 2-е изд.,перераб. и доп. – М.:ТК Вел- би, Изд-во Проспект, 2004. С.637-639.

3.Орел В.Е. Психологическое изучение влияния профессии на личность //Реферативный сборник избранных работ по грантам в области гуманитарных наук. – Екатеринбург, 1999. – С. 113-115.

4.Орел В.Е. Профессиональное развитие личности// Психология. Учебник для гуманитарных вузов/ Под общ. ред. В.Н.Дружинина. – СПб.:Питер, 2002. - С. 415-430.

5.Панасюк А.Ю. Обвинительный уклон в зеркале психологического исследования//Психол. журн. – 1992. – Т.13. №3. – С.54-65.

## АНАЛИЗ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ В МИРЕ И ИХ РЕАЛИЗАЦИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Л.М. Набиулина

*Совместный Белорусско-Узбекский межотраслевой институт  
прикладных технических квалификаций в городе Ташкенте  
E-mail адрес: luiza\_n@list.ru*

В статье проведен анализ интеграционных процессов в области образования в мире, приведены определения таких понятий, как глобализация образования, интернационализация образования, изучены их причины и раскрыты некоторые аспекты их реализации в Республике Узбекистан.